

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!



Ishonch

2016-yil
21-iyun,
seshanba

№ 74
(3735)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсиясининг нашри // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисига бағишланди

Тошкентда шу йилнинг 23-24 июн кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлиси бўлиб ўтди. Шу муносабат билан ШХТ саммитининг пойтахтимиздаги халқаро матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ташкил этилди.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида Қозғоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этиши расман тасдиқлангани таъкидланди.

Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Беларусь Республикаси Президенти Лукашенко, Мўғулистон Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислам Республикаси Президенти Мамнун Хусайн, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Эрон Ислам Республикаси

ташқи ишлар вазири Мухаммад Зариф қузатувчи давлатлар, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов раислик қилувчи мамлакат меҳмони сифатида иштирок этади.

Мажлисида ШХТ Бош котиби Рашид Алимов ва ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитаси директори Евгений Сисоев ҳам қатнашади.

ШХТ саммитида халқаро ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўринбосари Жеффри Фелтман, Мустиқил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кўмитаси раиси — Ижроич котиби Сергей Лебедев, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордюжа, АСЕАН Бош котиби Ле Лионг Минь,

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг ижроичи директори Гун Цзяньвэй ҳам иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари А.Носировнинг маълум қилишича, тадбирда иштирок этиш учун Тошкентга ШХТга аъзо давлатлар, халқаро ташкилотлар, шунингдек, чет эл оммавий ахборот воситаларининг қарийб 1000 вакили ташриф буюради.

Бўлажак ШХТ саммити давлат раҳбарларининг юбилей мажлиси бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил топганининг 15 йиллигига бағишланади.

Давлат раҳбарлари мажлиси кун тартибига мувофиқ, ШХТ доирасида серкюра ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларини муҳокама этади, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашади.

Давлат раҳбарлари учрашуви якунида асосий ҳужжат — ШХТ ўн беш йиллигининг Тошкент декларацияси

қабул қилинади. Унда ташкилотнинг сўнгги ўн беш йиллик фаолияти, аъзо давлатларнинг ШХТни ривожлантириш истиқболларига нисбатан қилинган ёндашувлари, шунингдек, жорий халқаро ҳамда минтақавий вазият бўйича позиция ўрин олади.

Давлат раҳбарлари 2025 йилгача ШХТни ривожлантириш стратегиясини амалга оширишга доир 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган ҳаракат режиси ва ШХТни ривожлантириш, унга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган қатор бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди.

ШХТнинг бўлажак саммити Ўзбекистоннинг ташкилотга раислигининг сўнгги тадбиридир. Ўзбекистон раислигида ШХТ фаолиятини янада такомиллаштириш, ташкилот доирасида сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт ва гуманитар алоқалар соҳаларида ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилади. Давлат раҳбарлари кенгашининг бўлажак мажлиси кун тартибини мазмунан бойитишга алоҳида эътибор қаратилди.

ШХТ саммити арафасида Тошкентда ташкилотга аъзо давлатларнинг турли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг қатор учрашувлари ўтказилади. ШХТга аъзо давлатлар маданият вазирларининг 21-22 июн кунлари бўлиб ўтадиган навбатдаги йиғилишида маданият ва санъат соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама этиш режалаштирилган.

22-23 июн кунлари ШХТ Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви ва Банкларо бирлашма кенгашининг ҳам мажлислари ўтказилади. Уларнинг доирасида ташкилотга аъзо ва қузатувчи давлатларнинг ишбилармон ҳамда молиявий доиралар вакилларининг савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик соҳасида иштирокини фаоллаштириш ҳақида фикр алмашуш мўлжалланмоқда.

ШХТ саммити ҳужжатлари бўйича якуний қелишиш мақсадида 20-22 июн кунлари ШХТга аъзо давлатлар миллий координаторлари кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтмоқда.

ЎЗА

Тошкент шаҳрида 23-24 июн кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. ШХТга Ўзбекистон Республикасининг раислиги доирасида саммит олдиндан кенг қўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

МАТБУОТ МАРКАЗИ САММИТГА ТАЙЁР

ШХТ саммитини ёритишда Хитой, Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Беларусь, Эрон, Мўғулистон ва бошқа давлатлар оммавий ахборот воситаларидан икки юзга яқин вакил, мамлакатимиздан қарийб икки юз журналист қатнашади.

ШХТнинг халқаро майдондаги аҳамияти ва нуфузи юксалиб, фаолияти самардорлиги ошиб бораётгани жаҳонда катта қизиқиш уйғотмоқда. ШХТнинг Тошкент саммитини нафақат мазкур ташкилотга аъзо, қузатувчи, мулоқот бўйича шерик ҳамда меҳмон сифатида тақлиф этилган мамлакатлар, балки бошқа қўлаб давлатларнинг оммавий ахборот воситалари, нуфузли халқаро нашрлар, ахборот агентликлари, интернет нашрлари ва телеканаллар вакиллари ҳам ёритиб бориш истагини билдиргани бунинг далилидир.

Саммит доирасидаги тадбирларни кенг, сифатли ва тезкор ёритиш учун «Узэкспомарказ»да барча қўлайликларга эга халқаро матбуот маркази ташкил этилди. Саммит кунлари журналистлар иш олиб борадиган ушбу марказ энг юксак талабларга жавоб берадиган замонавий техника — электрон намойиш стендлари, компютерлар, принтерлар ва бошқа кўп функцияли қурилмалар, телефон билан жиҳозланган, юқори тезликдаги Wi-Fi ва симли тизимлар орқали Интернет тармоғига уланиш имконияти яратилган.

Матбуот марказида саммит арафасида ва анжуман кунлари журналистларнинг ўзлақонли ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароитлар яратилган.

ЎЗА

Нодавлат секторда

Ишбилармон ёшлар ҳуқуқатимиз томонидан яратиб берилётган қўлай инвестициявий шароит ва енгилликлардан оқилона фойдаланиб, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Катта ҳаётга дастлабки қадам

Жумладан, мустақиллик йилларида Кегайли тумани кишлқ хўжалиги ривожланган, иқтисодий кўрсаткичи барқарор, аҳоли турмуш шароити юксалиб бораётган обод гўшага айланмоқда. «Ягона дарча» маркази кўрсатган 16 турдаги хизматдан фойдаланувчи тадбиркорлар сони тобора кўпайиб бораёпти. Айни пайтда туманда 15 та кичик корхона ва 97 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаёпти.

— Хусусий секторни ривожлантиришга берилётган эътибор ва ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларда касба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Кегайли туман кенгаши раиси ўринбосари Алмаз Сарсенов. — Жойларда энди иш бошлаётган бошланғич ташкилот фаоллари иш бериувчилар билан ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиб, яхши натижаларни қўлга киритаётир. Зеро, дастлабки қадамга кўп нарса боғлиқ бўлади.

№(2).

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Диплом ва кўкрак нишонлари топширилди

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида навбатдаги битирувчиларга диплом топшириш ва ҳарбий унвон беришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур билим юртида замонавий фикрлайдиган, чуқур билим ва кенг тафаккурга, юксак профессионал ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, замонавий жанговар ҳаракатлар шароитида ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этишга қодир ҳарбий кадрлар тайёрланмоқда.

— Бугун энг катта орзуларимдан бири ушалди, офицер бўлдим, — дейди олтириқлик Умиджон Холдждонов. — Битирувчи сифатида диплом ва кўкрак нишонини қабул қилиб олар эканман, Ватанимизни ҳимоя қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифани зиммамга олганимдан чексиз гурур туйдим. Билим юртида ўрганганларимни хизмат давомида қўлаб, мустақиллигимизни янада мустақамлаш йўлида астойдил хизмат қилишга ваъда бераман.

Тадбирда санъаткорлар ижросидаги концерт ҳамда курсантларнинг кўргазмали чиқиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

ЎЗА.

Оқил ФУЛОМОВ (ЎЗА) олган сурат



Касба уюшмалари мустақиллик йилларида

Эли соғлом юртнинг келажаги буюқдир

— дейди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳод ХАНАПИЯЕВ

— Биз кеча ким эдик, бугун ким бўлдик, эртага қандай марраларни қўлаб турибмиз? Эътибор берингиз: Ўзбекистон БМТ кўмағида АКШнинг Колумбия университети социологлари томонидан ўтказилган «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» рейтингига жаҳонда 44-ўринни, Мустиқил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари орасида биринчи ўринни, Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, 2014 — 2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016 — 2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой эгаллади. Ўтган йил эса БМТнинг Озиқ-овқат ва кишлқ хўжалиги ташкилотига аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун

бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилди. Албатта, собиқ тузум даврида хатто «рўхатларда номи йўқ» юрт бугун энг нуфузли дунё рейтингларида манаман деган давлатлардан ҳам энг олдинги ўринлардан бирида турса, бу ҳар қандай кишига гурур ва ифтихор бағишлайди. Зеро, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида эътироф этилганидек, «Биз бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустабил тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйлан-

ган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, бугун дунёда «Ўзбек модели» деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда».

Дарҳақиқат, мамлакатимизда инсон, унинг манфаатлари, ҳаёти ва соғлиги энг олий қадрият ҳисобланади. Истиқлолнинг илк йилларида аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, маънан етук ва жисмонан соғлом авлодни камолга етказишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётгани бунинг ёркин ифодасидир.

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида босқичма-босқич

ҳаётга татбиқ этилаётган Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга оид Давлат дастури соҳада қўлаб ютуқларни қўлга киритишда мустақам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган даврда соҳада илғор шакл ва услублар амалиётга жорий қилинди. Жойларда бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ҳамда замонавий тизими — кишлқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари фаолияти йўлга қўйилди. Айниқса, ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг ташкил этилгани тизимда замонавий технологияларни татбиқ этиш, тиббий хизмат кўрсатиш қўламини янада кенгайтириш, хасталикларга аниқ ташхис қўйиб, самарали даволаш усулларини қўллаш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш имконини бермоқда. Ўзбекистонда ҳар йили ижтимоий

соҳа ривожини учун йўналтирилган маблағлар улушининг ошиб бораётгани нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан кенг эътироф этилаётир.

Биргина ўтган йилда Инвестиция дастури асосида 141 та тиббиёт муассасасида қарийб 495 миллиард сўм ҳажмидаги реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Уларни замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун хорижий молия институтларининг 25 миллион долларлик маблағлари жалб этилди. Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган бу каби хайрли ишлар натижасида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшга узайишига эришилди. Бугун мамлакатимиз тиббиётда эришилаётган бу каби ютуқлар халқимиз саломатлигига хизмат қилаётир.

Олиб борилаётган ҳар бир эзгу саъй-ҳаракат «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун», деган улғувор мақсадга қаратилгани туйғайли янада аҳамиятлидир.

№(3).

Жамоа шартномаси — амалда

Равнақ топаётган корхона

Жамоат ишларини бажариш етакчидан холислик, бегаразлик ва фидойиликни талаб этади. Ўз бахтини ўзгалар қувончида кўрадиган кишигина бу юмушни уддалаши мумкин. «Автотех-хизмат» Тошкент ҳудудий акционерлик жамияти касабга уюшма кўмитаси раиси Элла Сергеевна айнан шундайлар сирасидан.

Корхонада иш берувчи ва касабга уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси бандларнинг бажарилиши доимий назоратда. Улар орасида меҳнат муҳофазаси энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Меҳнат муҳофазаси бўйича барча зарур жиҳозлар, кўргазмали куруллар билан жиҳозланган алоҳида хона ажратилган. Цехларда меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, шунингдек, ёнги хавфсизлиги бўйича бурчаклар ташкил этилган бўлиб, керакли қўланмалар мавжуд. Ходимлар махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Дам олиш, кийим алмаштириш, ювиниш хоналари, спорт зал, соғлиқни сақлаш маркази улар ихтиёрида. Марказ ходими

Юлия Коновалова мунтазам равишда ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиб келади.

Жамоа шартномасининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникасига тегишли бандлари ижроси бўйича меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходим, асосий техник хизмат кўрсатиш шохобчаси слесари Абдуразоқ Илёсов ҳамда Ботир Ибрагимов назорат олиб бормоқда. Улар касабга уюшма фаоллари билан ҳамкорликда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилиши, ишлаб чиқариш санитария ва гигиенаси талаблари бажарилишини кузатишади.

Корхонанинг 70 ўринга мўлжалланган ошхонаси мавжуд бўлиб, кенг ва ёруғ хоналарда дастурхона қўли ширин ошпазлар томонидан тайёрлан-

ган мазали овқатлар тортилади. Касабакўм раиси ҳамда иш берувчи таомлар сифати ва нархи устидан доимий назоратни таъминлаган.

Касабга уюшма кўмитаси ходимлар ижтимоий ҳимояси, уларга моддий кўмак бериш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратаётди. Утган йили бир гуруҳ эҳтиёжманд ходимларга касабга уюшма маблағи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. 3 нафар ёши катта ходимларга тиббий хизматдан фойдаланиши учун ҳамда хозирда нафақада бўлган корхона фахрийларига кўмак берилди. Шунингдек, ҳар чорак якуни бўйича ходимлар мукофотлаб борилди.

Заруратга қараб сихатгоҳ ва профлакторийларга имтиёзли йўланмалар ажратилади. Ишловчиларнинг фарзандлари эса оромгоҳларда дам олдирилади. Автотехникчилар мароқли ҳордиқ чиқариш мақсадида тез-тез корхонага тегишли «Қизилсув» дам олиш масканига боришади.

Корхонада маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган. Ўткази-

лаётган «Маънавият соатлари» ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Маънавият хонаси ходимлар учун ҳаммиша очик. Бу ерда марказий газета ва журналлар, Президентимизнинг асарлари, турли бадий ва илмий-оммабоп китобларни мутулаа қилиш мумкин. Сўнгги пайтда 329 нафар ходимга театр ва концертларга, 800 нафар ходим фарзандлари учун эса цирк томошаларига чипталар олиб берилди. Ходимлар ўртасида спорт мусобақалари уюштириш алоҳида эътиборда.

Жамоада устоз-шогирд аънанеси яхши йўлга қўйилган. Ҳар йил автомобиль йўллари коллежининг 15 нафар ўқувчиси билан амалиёт ўташ учун шартномалар тузилади. Амалиётчилар Зайниддин Одилов, Расул Раҳимов, Шухрат Юзбобоев каби малакали устозлардан сабоқ олади.

Ходимларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси ўлароқ, корхона кундан-кун раванқ топиб, ишлаб чиқариш салмоғи ошмоқда.

Шоикром ИСРОИЛОВ, Металлургия ва машинасозлик сананои тармоқлари ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши масъул ташкилотчиси

Миллий матбуот марказида

Тарих кўзгуси

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди халқимизнинг тарихий, маънавий, илмий ва маданий аҳамиятга эга бўлган меросини сақлаб, келгуси авлодга етказишда алоҳида ўрин тутади. 2010 йил 15 июнда қабул қилинган «Архив иши тўғрисида»ги қонун архив муассасалари фаолиятида туб ижобий ўзгаришларга асос бўлди. Қонунга амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳиятидан келиб чиқиб янги тартиблар киритилди.

«Ўзархив» агентлиги томонидан «Миллий архив фондининг нодавлат сигментини ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида бу борада амалга оширилган ишлар эътироф этилди. Шунингдек, Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисмини бойитиб бориш, уларни тизимли асосда жамлаш, ҳисобини олиб бориш, сақлаш ҳамда фойдаланиши ташкил этиш, нодавлат архивларни шакллантириш масалалари, давлат архивлари тармоғига кирмайдиган, лекин қонунчиликка мувофиқ тарзда нодавлат архивлар сифатида қайта ташкил этилиши лозим бўлган архивлар фаолияти ҳамда мавжуд муаммоларга эътибор қаратилди.

Бугунги кунда республика бўйича архив муассасаларида 37 минг 700 дан ортиқ фонд мавжуд бўлиб, таркибидоғи ҳужжатлар сони 8,6 млн. сақлов бирлигини ташкил этади. Шундан миллий архив фондининг нодавлат қисми 473 минг 500 дан ортиқ сақлов бирлигига тўғри келади. Архив муассасаларидаги 5886 та шахсий фонда 374 минг 907 сақлов бирлигидоғи ҳужжатлар мавжуд. Жами асосий рўйхатга киритилган жамлаш маълумоти эса 10754 тадан иборат бўлиб, шундан нодавлат ташкилотларнинг улуши 1360 тага тўғри келмоқда.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Муқаддас РАЗЗАҚОВА, «Ishonch» мухбири

Истиқболли лойиҳалар

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда мазкур жабҳада юртимизда олиб борилаётган ислохотлар натижаси ва амалдаги устувор йўналишлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 44 та филиали, 92 та минибанки, 51 та жамғарма кассаси, 45 та махсус кассаси, 155 та турли тўловларни қабул қилувчи, 91 та халқаро пул ўтказмалари ва 53 та валюта айирбошлаш шохобчалари аҳоли ҳамда мижозларнинг доимий ҳамкорига айланган. Бошқача айтганда, банкнинг аҳил жамоаси бир миллиондан ортиқ мижозларга сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Банк томонидан кичик бизнес субъектларига жорий йилнинг 1 июни ҳолатига 460 млрд. сўм миқдорига кредит маблағлари ажратилди. 2016 йилнинг якунига қадар яна 650 млрд. сўмдан ортиқроқ кредит ажратиш мақсад қилинган. Банда кичик бизнес субъектлари ва бошқа лойиҳаларни молиялаштириш учун дунёнинг турли мамлакатларидаги 11 дан ортиқ хорижий молия институтларининг кредит линиялари жалб қилинган.

Қолаверса, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш, ёш оилаларни тураржойлар билан таъминлаш, истеъмол ва таълим кредитларини ажратишда банкнинг ўз ҳиссаси бор.

Ҳулоса қилиб айтганда, «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан бугунги кунда юзлаб аънавий ва замонавий банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Келгусида ҳам банк ўз ресурс базасини шакллантириб, капиталлашув даражасини янада ошириши, тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва инвестицион фаолиятини янада ривожлантириш ниятида.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири

Ўзимизда ишлаб чиқарилган

«Ўзэлтхасаноат» АКнинг «Компания томонидан электротехника маҳсулотларини ўзлаштириш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва ички бозорни замонавий, рақобатбардор электротехника маҳсулотлари билан тўлдириш борасида белгиланган чора-тадбирлар» мавзусидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда электротехника сананоини ривожлантириш истиқболлари, келгусидаги режалар ҳамда экспорт орқали миллий брендларимизни дунё бозорига олиб чиқиш хусусида атрофлича сўз юритилди.

Кундалик ҳаётимизда маиший техника воситаларининг ўрни беқийс. Шунини инобатга олган ҳолда жорий йилда «Ўзэлтхасаноат» АК томонидан кондиционер ишлаб чиқариши 37,2 фоизга, газ ва электр плиталари 56 фоизга, телевизорлари 60,1 фоизга, музлаткичлари 32,5 фоизга, кир ювиш машиналарини 65 фоизга етказиш режалаштирилган.

— Айни вақтда компаниямиз тизимига 50 га яқин корхона турли йўналишларда фаолият юритади, Кабел, электротехника, маиший техника ишлаб чиқарувчилар ва уларга техник хизмат кўрсатувчи корхоналар шулар жумласидан, — дейди «Ўзэлтхасаноат» АК бошқаруви раисининг ўринбосари Жаҳонгир Исмоилов. — Корхона асосан ички бозорни замонавий, рақобатбардор электротехника маҳсулотлари билан тўлдиришда кичик бизнес корхоналари иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунингдек, «Ател» сингари ўзбек брендлари сони ва салмоғини кўпайтириш асосий мақсадимиз.

Анжуман сўнгига журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Султаймон ХАЙДРОВ, «Ishonch» мухбири

Катта ҳаётга дастлабки қадам

«1».

Роза ҚАЙПНАЗАРОВА, «Гули инвест» хусусий корхонаси директори:

— Ҳар йил янгидан ишга туширилаётган маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари, дўконлар, замонавий услубда бунёд этилаётган тураржойлар туманимиз кўригига кўрк қўшаяпти. Айниқса, тадбиркорлар ташаббуси билан кўзга ташланаётган ўзгаришлар эътирофга сазовор.

Бугун кўпчилик мулк эгалари қатори юртимиз раванқига баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. 2010 йилда хусусий корхонамизни ташкил этган эдик. Ҳар бир ишда қийинчилик бўлгани каби, фаолиятимиз бирданига изга тушиб кетмади. Сабр таги — олтин, деганларидек меҳнатимиз вақт ўтган сайин ўз маҳсулини бера бошлади.

Айни пайтда нон цехимиз, озиқ-овқат ва уй жиҳозлари билан савдо қиладиган дўконларимиз бор. Цехимизда ҳар кун бир тонна ун қайта ишланиб, 3-4 турдаги сифатли нон маҳсулотлари аҳоли дастурхонига етказиб берилмоқда.

Жамоамизда малака ошириб, ишбилармонлик фаолиятини бошлаётганлар ҳам бор. Уларга ўз маслаҳатимиз билан имкон қадар ёрдам беришга тайёرمىз. Ходимларнинг таваллуд ва бошқа қувончли кунлари ҳамда байрамларда касабга уюшма кўмитаси ташаббуси билан тадбирлар уюштирамиз, хайрли ишларда ҳамжиҳатлик кўрсатамиз.

Алиатдин БАЙНАЗАРОВ, «Кегейли гербиш» масъулияти чекланган жамияти раиси:

— Ўйчи ўйини тутатгунча таваккалчи ишнинг битказида, деган гап бор. 2014 йили АТ «Агробанк»дан 280 млн. сўм кредит олиб, пишиқ гишт ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этдик. Мамлакатимиздаги қўлай бизнес шароити ва қурилишбоп маҳсулотларга кун сайин талаб ошаётгани шу ишни бошлашимга туртки бўлди.

Корхонамизда 40 нафар йигит иш билан банд. Улар махсус кийим-бош, икки маҳал иссиқ овқат билан бепул таъминланган. Жамоа шартномаси асосида ишчилар фарзандларини оромгоҳларга юбораямиз. Утган йили 5 нафар бола дам олиш масканларида мириқиб ҳордиқ чиқарган бўлса, икки нафар ишчи санаторийда соғлигини тиклади.

Келгусида корхонани янада кенгайтириб, маҳсулотни кўмир ёрдамида ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Баҳодир АДИЛЧАЕВ, «Қудияр Ахун» кўп тармоқли фермер хўжалиги раиси, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини соҳиби:

— Кегейли қурилиш технологиялари касб-хунар коллежини тутатиш арасида ота-онам билан маслаҳатлашиб, фермер хўжалигини ташкил этишга бел боғладим.

Хўжалигимиз фаолиятини 2010 йилда пахта ва галла етиштиришдан бошлаган бўлса, хозирда ўзимизга тегишли майдонда боғ, полиз, сабзавот, маккажўхори ва турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириляпти. Соҳани янада кучайтириш, иқтисодий имкониятимизни ошириш мақсадида эрта баҳордан кўчат етиштиришни йўлга қўйдик. Балиқчилик соҳасидаги дастлабки натижаларни таҳлил этаямиз. 20 сотих ердаги ҳовузни кенгайтиришни режалаштираямиз.

Дастлаб 8 нафар ходим билан иш бошлаган бўлсак, эндиликда жамоамиз аъзолари 24 нафарни ташкил этади. Бошланғич касабга уюшма ташкилотни етакчиси Утемурат Ержановнинг ташаббуси билан жорий йилда 3 нафар коллеж битирувчисини шартнома асосида ишга қабул қилмоқчимиз.

Дарвоқе, таъмирлаш устaxonаси фаолиятини ҳам йўлга қўйдик. Дала шийпони дехқонларимиз хизматида. Уларни мунтазам рағбатлантириб борамиз. Шу кунгача эҳтиёжманд оилаларга 15 тонна бўғдоғ улашилди. Хайрли ишларга бош қўшиб, туманимиздаги 4-умумтаълим мактабини ва камҳарж 4 та оилани ҳомийлигимизга олганмиз.

Жамоамиз ҳамжиҳатлиги туфайли кўплаб кўрик-танловларда ғолиб бўляяман. Меҳнат эвазига келаётган бойлик орқали турмушимиз ҳам кун сайин фаровонлашиб бораёпти.

Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» мухбири

Бу Кегейли туманида хусусий сектор ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётган юрдошларимиз фаолиятдан бир шингил. Тадбиркорлик ва фермерлик соҳасини ривожлантириш йўлида меҳнат қилаётган ёшларимиз воҳамизда кўплаб топилди. Уларнинг ишбилармонлик фаолияти ривожда касабга уюшма ташкилотларининг ҳам муносиб ўрни бор, албатта.

Яшил иш ўринлари



Қўлай меҳнат шароити

унумдорлик гарови

Кейинги йилларда «яшил иш ўринлари» тушунчаси камровида муносиб меҳнат шароитини яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, ходимларга қўлай иш шароити яратиш, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникасини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, хавфсизлик маданиятининг юқори даражада

бўлиши меҳнатқашлар ва иш берувчиларга бирдек наф келтиради. Хавфсиз меҳнат шароити эса вакилда эътибор қаратиляпти. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабга уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши тасарруфидоғи «Nafis tex group» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аксана Турсунова доимо ушбу тамойилга амал қилиб фаолият кўрсатади.

Айни пайтда жамоада 160 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг 90 фоизи аёллар. Иш берувчи томонидан ходимларга қўлай меҳнат шароити яратиш мақсадида хавфсиз, сўнгги русумдаги замонавий асбоб-ускуналар, ёритиш тизимидан тортиб иш жараёнига алоқадор барча воситалар ўзгача дид билан жойлаштирилган. Ходимларга санитар-гигиена ашёлари, махсус кийим-бош иш берувчи томонидан бепул тарқатилади. Ювиниш, дам олиш, кийим алмаштириш хоналари талаб даражасида жиҳозланган. Юз ўринли ошхонада бепул овқат ташкил этилган.

Таъкидлаш жоизки, бундай шароитда меҳнат қиладиган инсонларда руҳий эъриқчи кузатилмайди. Чехрасида мамнулик, ҳаракатларида тетиклик яққол кўзга ташланади. Ушбу манзарани ҳавас билан кузатар эканмиз, кўнглимизда ҳар бир ходим шундай шароитга муносиб, деган фикр кечди.

Алихон АКРАМОВ, Наманган вилоят КҮТБ меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси



Ташаббус

Уста миришкорлар тақдирланди

Қашқадарё вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан йил бошидан шахсий томорқа хўжаликларидан самарали фойдаланишни ташкил этишга ҳисса қўшиш, жойларда тарғибот ишларини олиб бориш, мазкур йўналишдаги юмушларда касабга уюшмалари иштирокини таъминлаш мақсадида «Энг ибратли хонадон», «Энг ибратли маҳалла» ва «Энг фаол тарғиботчи» танловлари ташкил этилган эди.

Комиссия аъзолари хулосасига кўра, «Энг ибратли маҳалла» йўналиши бўйича Шахрисабз туманидаги «Оқдарё» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Сарвиноз Хайруллаева биринчи, Китоб тумани «Сурум» МФЙ ра-

си Зариф Қодиров иккинчи, Касби тумани «Месит» ҚФЙ раиси Жуманиёз Тоштемиров учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

«Энг ибратли хонадон» йўналишида Миришкор туманидаги «Мириш-

кор» ҚФЙда яшовчи Даврон Очилов хонадонини биринчи ўринга эгаллади. «Энг фаол тарғиботчи» йўналиши бўйича Китоб туманидаги Богбон ҚФЙда истиқомат қилувчи пенсионер Нуриддин Раҳмонов биринчи ўринга лойиқ топилган бўлса, Касби тумани халқ таълими методисти Ғолиб Йўлдошев иккинчи, Яққабог агросаноат касб-хунар коллежи касабга уюшма кўмитаси раиси Сирожиддин Саломов учинчи ўрин соҳиби бўлишди. Танлов якунларига бағишланган

йиғилишда вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов томорқанинг аҳоли фаровонлигини яхшилаш, маҳсулот мўл-қўллигини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида гапириб, ушбу муҳим ишда касабга уюшма ташкилотлари фаол иштирок этаётганини таъкидлади. Тадбирда Нефт-газ ва геология ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши раиси Мирзохид Зияев ҳам иштирок этиб, касабга уюшма фаолларига ўз тавсияларини берди.

Танлов ғолибларига вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшмалари мустақиллик йилларида

Эли соғлом юртининг келажаги буюқдир



«1». Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимидаги бугунги аҳолига назар солсак, соҳага қанча меҳнат ҳамда маблағ сарфлангани аён бўлади. Айниқса, юртимизда амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш миллий модели Мингиллик ривожланиш мақсадларига эришиш самарали стратегияларидан бири сифатида эътироф этилган ҳам беҳиз эмас. Бунинг натижасида мамлакатимизда болалар ва оналар ўлими уч баробар қисқарди.

Холбуки, 25 йиллар аввал ҳомиладор аёллар қандай оғир шароитда фарзандини дунёга келтирарди. Шифохоналарда туғиш заллари ва ўринлар етишмасди, тиббий хизмат сифати ҳаминқадар эди. Кишлоқларда эса ҳомиладор аёлларга 70 фоиз ҳолатларда малакали шифокорлар эмас, балки зарур тиббиёт инвентарлари бўлмаган фелдшерлар тиббий ёрдам кўрсатарди. Шу боис оналар ва болалар ўлими ривожланган давлатлар кўрсаткичларига нисбатан жуда юқори, тиббий хизмат сифати; айниқса, кишлоқ жойларида аксинча жуда паст эди. Ҳаттоки, ихтисослашган клиникаларда ҳам замонавий тиббий ускуналар ёки мутахассис кадрлар етишмаслиги оқибатида юқори технология даволаш муаммалари ўтказилмас эди. Бир сўз билан айтганда, соғлиқни сақлаш тизими яхлит тарзда мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнига тайёр эмас эди.

Бунинг эса сабаблари жуда кўп ва оғирлиги эди. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизими бутунлай мамлакат бюджетига боғлиқ бўлиб, қўшимча молиявий манбаларга эга эмас эди. Утган асрнинг 80-90-йилларидаги мамлакат иқтисодий аҳолида юзага келган танглик уни баътамом ҳолдан тойдирган, тизимни ривожлантириш у ёқда турсин, шу даврга қадар қўлга киритилган ютуқларни ушлаб қолиш ҳам мушкул эди. Қолаверса, соғлиқни сақлаш тизими арзон ва қулай бўлган профилактика ва амбулатор тизимга эмас, жуда кўп поғонали, қиммат турвучи стационар тизимга асосланган эди. Тиббий хизмат ва тарғибот-ташвиқот ишлари соғлом фарзанд туғилишига эмас, қисқа турғулар оралиғида туғилган касалманд ва камқон оналар ҳамда болаларни даволаш ва соғломлаштиришга қаратилган эди. Бундай болалар ва оналар ўртасида, табиқий, касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари юқори бўларди. Бу ҳолат соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш заруриятини келтириб чиқарди.

Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрда «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги фармони қабул қилиниши соҳада янги тарихий саҳифа очиб, замонавий талабларга жавоб берадиган ва мамлакатимизнинг барча ҳудудида аҳолига малакали хизмат кўрсатадиган соғлиқни сақлаш тизими, шу жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича яхлит тизимни шакллантиришда муҳим омили бўлди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, илгари хизматлар олий тиббий маълумотга эга бўлмаган ходимлар томонидан кўрсатилган, ортиқча маблағ талаб қиладиган ва самарасиз кўп босқичли бирламчи соғлиқни сақлаш тизими ўрнида бирламчи бепул тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича замонавий хизмат ташкил қилинди. Ушбу хизмат кишлоқ врачлик пунктлари ва шаҳар оилавий поликлиникалар тармоғини ўз ичига олади. Хусусан, аҳолининг қийин ва экстремал ҳолатларда «ижтимоий қимти» ҳолатига тушиб қолмаслиги учун Республикада шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоятлар марказларидаги ҳудудий бўлимлари, 173 та туман ва шаҳарларда суб-филиаллари — туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларидаги шошилинч тез тиббий ёрдам махсус бўлимлари ташкил этилди.

Утган даврдан бошлаб ҳозирга қадар соғлиқни сақлаш соҳасига оид 15 та қонун, 100 дан ортиқ қарор ва соғлиқни сақлаш вазирлигининг бир қанча меъёрий ҳужжатлари қабул қилинди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимида тиббий-генетик ташхис қилиш тизимида тиббий-генетик ташхис қилиш хизмати муҳим ўрин тутди. Истиқлолгача ҳатто шифокорлар ҳам тиббиёт генетикаси мутахассислигининг амалий тиббиётга алоқаси йўқ, деб ҳисоблаган. Ўзбекистонда энг илгор ускуналар билан жиҳозланган скрининг марказлари тармоғи ривожланиши билан тиббиёт генетикаси соғлиқни сақлаш тизими мутахассислиги рўйхатига киритилди. Бугунги кунда соғлиқни заиф болалар туғилишининг олдини олишга ёрдам бераётган бундай мутахассислар хизматида аҳоли кенг фойдаланмоқда. Айни пайтда туғма нуқсонли бор болалар туғилишининг 14 фоизга камайиши ҳам бу борадаги ишлар самарасидир.

Соғлиқни заиф аёлларнинг туғилишига ёрдам берадиган ривожланган перинатал марказлар тармоғи бу борада алоҳида эътиборга лойиқдир. Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида шундай марказлар фаолият кўрсатмоқда. Улар ҳомиладорлик даври оғир кечган аёлларга ёрдам кўрсатиш вазифасини ўз зиммасига олган.

Дунёда умумэтироф этилган оилавий шифокор, бошқача айтганда, «умумий амалиёт шифокори» тизимига ўтиш оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим ютуқларимиздан биридир. Бундай шифокорлар чекка туманлардаги аҳолига уларнинг ўйида зарур тиббий хизматларни кўрсатмоқда. Илгари эса бунинг учун туман марказига боришга тўғри келарди. Шаҳарларда эса бу каби хизматлардан оилавий поликлиникаларда фойдаланиш мумкин. Буларнинг барчаси касалликларнинг олдини олиш ва уларни эрта аниқлашга ёрдам бermoқда.

Мақтабгача ва мақтаб ёшидаги ўқувчиларни бепул профилактика эмлашлар билан қамраб олиш ҳисобига, охириги йилларда полиомиелит ва дифтерия каби юқумли касалликларнинг учрамаётганлиги, вирусли гепатитлар билан касалланишининг бирмунча камайиши ва мамлакатнинг санитар-эпидемиология халати барқарорлаштиришга эришилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида давлат муассасалари билан бир қаторда илмий сайин нодавлат тиббиёт даволаш-диагностика муассасалари сони ортиб бermoқда. Бу эса, ўз навбатида, тиббий хизмат кўрсатишда соғлом рақобат мўҳитини келтириб чиқариш ҳамда фуқароларга тиббий хизмат борасида танлов имкониятлари кенгайишига сабаб бўлмоқда.

Соҳада туб ислоҳотларни амалга оширишда касаба уюшмаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Тармоқ касаба уюшмаси жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётига олиб бoриладиган ислоҳотларни қўллаб-қувватлабгина қолмай, уларни ҳаётга таъбиқ этишда фаол қатнашаётир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Доридармон» акциядорлик компанияси ва УзКУФК Санатор-курортлар бошқармаси билан тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасидаги тармоқ келишувларига асосан тизимда ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, бандлик, меҳнат шaroити, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазасига оид манфаатлари тўла қамраб олинishiга эришилмоқда. Кўплаб тиббиёт муассасаларида ходимларга қўшимча имтиёзлар берилляпти. Жамoa шартномаларида соҳа ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш, қонун ҳужжатларида кўрсатилганидан юқорироқ тўловларни ўрнатish тартибини белгилаш, тармоқ хусусиятларидан келиб чиқадиган бошқа масалаларга оид аниқ меъёрлар киритилган. Жамoa шартнома ва келишувлар орқали ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишлар бажарилди. Жумладан, сўнгги беш йилда тармоқ муассасаларида ижтимоий шериклини қучайтириш ва жамoa шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш орқали 156 нафар ходимга узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш ва уй-жой

наётир. Жумладан, РШТЭИМ травмпункт бўлими тиббий ҳамшираси Д.Арипжанова ўз лавозимидан ноқонуний равишда бўшатилганлиги юзасидан Республика кенгашига қилган мурожаати кенгаш томонидан ўрганилиб, амалдаги меҳнат қонунчилиги бўйича ўз вазифасига ишга тикланди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмасининг масъул ходимлари меҳнатни муҳофаза қилиш, инсон саломатлигига зарар етказувчи турли носозликлар ва омилларни бартараф қилиш мақсадида доимий назорат олиб бermoқда. Зеро, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатлар ҳимояси бевосита инсон саломатлигини муҳофаза қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Жамoa шартномалари орқали ходимларга зарур меҳнат шaroитлари яратилиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш учун ўтган 3 ойда 12 млрд. 550 млн. сўм сарфланди. 43 та тиббиёт муассасасида меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва меъёрларига риоя этилиши ўрганилиб, аниқланган 198 та камчилик деярли бартараф этилди.

Таъкидлаш жоизки, аъзоларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар ажратилмоқда. Сўнгги беш йилда Санатор-курортлар бошқармасига қарашли санаторийларда 9928 нафар ходим ижтимоий сугурта, 7859 нафари касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан соғломлаштирилди. Шундан эҳтиёжманд, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, ноғиронлардан 878 нафари бепул йўлланма билан таъминланди. УзКУФК томонидан давлат дастурлари доирасида тиббиёт ходимларидан 390 нафар эҳтиёжманд, кўп болали, фертил ёшдаги ва фарзанд талаб аёллар «Умид гулшани» санаторийсида бепул соғломлаштирилди.

«Касаба сайр» унитар корхонаси билан ҳамкорликда тармоқда меҳнат қилётган ишчи-ҳодимлар учун биринчи марта ташқи туризм ташкил қилинди. Онколог ва офтальмолог шифокорлардан 25 нафари Туркиянинг Антاليا шаҳри бўйлаб туристик сафарга юборилди. Туристлар мароқли ҳордиқ чиқариш билан бирга, дунёнинг 26 та давлатида ўз филиалига эга бўлган, халқаро ISO сифат сертификатини қўлга киритган «Дунёнинг» хусусий клиникасида бўлиб, таъхис қўйиш ва онкологик, офтальмологик беморларни оператив даволаш жараёни билан танишдилар. Тиббиётнинг долларб масалалари бўйича маърузалар тинглаб, махсус сертификатга эга бўлишди.

Тизимда ички туризмни ривожлантириш, жамoa шартномалари орқали тиббиёт муассасалари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари, тиббиёт олий ва ўрта махсус тиббиёт таълим муассасалари талаба ва ўқувчилари, кам таъминланган оилаларнинг саёхатини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Тарихий шаҳарларга саёхат, театрларга ташриф шифокор ҳамшираларга руҳий-маънавий қувват бағишлаб, меҳнат умндорлигини оширишга замин яратяпти.

Истеъдодли ёшлар мустақил мамлакатимизнинг умид ниҳолларидир. Уларнинг изланиш ва ташаббусини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ҳамда эътиборимизда. «Ёш мутахассислар» III Республика Форумида соғлиқни сақлаш соҳасида Тошкент давлат стоматология институтига халқаро алоқалар бўлими бошлиғи, стоматологик касалликлар профилактикаси кафедраси ассистенти Бахтинур Худанов «Энг фаол ёш шифокор» деб топилди ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг хорижда малака ошириш йўлланмасини қўлга киритди.

Бундан ташқари, соҳа ходимларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тузилган тармоқ келишув доирасида ҳар йили тиббиёт ходимларининг «Ҳамшира», «Энг намунали кишлоқ врачлик пункти», «Энг намунали оилавий поликлиника», «Энг яхши умумий амалиёт враччи», «Энг яхши патронаж ҳамшираси», «Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси», «Тез тиббий ёрдам тансиқсининг энг яхши шифокори», «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли ҳайдовчиси», «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши муассаса», «Энг яхши санитария-эпидемиология назорати маркази ходими», «Энг фаол ёш шифокори» каби касбий кўрик-танловлар анъанавий ўтказилиб, голиблар Республика кенгашининг қимматбах совгалари билан тақдирланди. Одамлар саломатлиги йўлида елиб-юғуриб меҳнат қилётган бу заҳматкаш тиббиёт ходимларининг ҳар қанча эъозласак оз.

Эътироф этилган бу кўрсаткичлар — шунчаки рақамлар эмас, балки Ўзбекистоннинг тинчликсевар, халқларарар сибсатининг мазмун-моҳияти, самараси, қолаверса, «ўзбек модели»нинг ҳаётда тантанаси ҳамда эзгу ниятларининг тўғри бўлиши. Зеро, қалби эзгуликка тўла, соғлом халқ, соғлом миллатгина улуг ишларга қодир.

«Ishonch» муҳбири Амина ҚОДИРОВА Ёзиб олди

Касаба уюшмаси аралашгач...

«Куवासойцемент» АЖ Автотрактор хизмати бошлиғи Ш.Саҳобов меҳнат таътилида юрган пайтида иш берувчи касаба уюшма кўмитаси розилигисиз у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилди. Ҳақ-ҳуқуқи бузилган фуқаро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Ҳар бир мурожаат — эътиборда

Мурожаатни қонун талаблари асосида ўрганиб чиққан касаба уюшма ҳуқуқшунослари иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилигининг қатор талаблари қўпол равишда бузилганлигини аниқлади. Жумладан, МКнинг 100-моддасида иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари келтириб ўтилган. Унга кўра, ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги даври ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган пайтида меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди деб белгилаб қўйилган.

О. ҚОЗИХОНОВА,
вилоят КУТБК юридик бўлим мудири

Мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида қўриб чиқиш ва жавоб бериш, уларда кўтарилган масалаларни ҳал қилиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Хусусан, 2014 йилда ҳаётга таъбиқ этилган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Буни Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши фаолиятида яққол кўриш мумкин. Утган йили бирлашма кенгашига жами 369 та ариза-шикоят келиб тушган бўлса, шундан 174 таси ёзма мурожаатлардир. «Ишонч телефони»га эса меҳнат қонунчилиги, ходимларнинг ҳуқуқлари, касаба уюшмалари фаолиятининг турли масалалари юзасидан қилинган юздан ортиқ мурожаатлар қонун талаблари асосида ижобий ҳал этилди.

Ҳар бир мурожаат назоратга олиниб, қонун доирасида ўрганиб чиқилмоқда. Жумладан, Бухоро шаҳрида яшовчи Ш.Ҳаётованинг меҳнат шартномаси гайриқонуний бекор қилинганлиги

га боис ишга тиклашда амалий ёрдам бериш тўғрисидаги мурожаати бирлашма ҳуқуқшунослари томонидан ўрганилди ва у Бухоро давлат университетига ишга тикланди. Шунингдек, Когон туманида яшовчи фуқаро Ф.Бозоров, Ф.Шойимов, Н.Юноров, Ф.Назаровнинг мурожаатлари асосида «Когон магистрал газ қувурлари» бошқармасига юқоридан ишдан бўшатилиш тўғрисидаги буйруқни бекор қилиш, уларни ишга тиклаш тўғрисида тақдимнома киритилди. Натижада, улар бошқарма жамоаси сафига қайтишди.

Н.ЗОИРОВ,
Бухоро вилояти КУТБК юридик бўлим мудири

Малика Муродова Жиззах шаҳридаги 11-умумий ўрта таълим мактабида психолог-ўқитувчи лавозимда ишлаб келарди. Муассаса раҳбарияти ҳеч гап-сўзсиз унинг иш ставкасидан ярмини бошқа бир мутахассисга бериш ҳақида буйруқ чиқарди.

Ваҳоланки, МКнинг 89-моддасида иш берувчининг ходим розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Унга кўра, фақат технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгартирилган юз берган, ишлар (махсулот, хизматлар) ҳажми қисқарган, башарти бундай ўзгариш ходимлар сони ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келиши олдиндан аниқ бўлган ҳоллардагина ходим розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартириш мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолатда ҳам меҳнат шартларини ўзгартириш шартларини ўзгартириш учун ходимнинг ёзма розилиги олинishi шарт. М.Муродова эса бундай розилик бермаган. Шунингдек, агар иш берувчи меҳнат шартларини бир томонлама ўзгартирмоқчи бўлса, бу ҳақда ходимни

камида икки ой олдин огоҳлантириши керак эди. М.Муродова касаба уюшмаларига ёрдам сўраб мурожаат қилганидан сўнг ҳуқуқшунослар юқоридаги лавозимга тақдимнома юборди. Тақдимнома эътиборсиз қолдирилган, ходим манфаатларини қўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Жиззах шаҳар судига даъво аризаси киритди. Суд даъво ишга қаноатлантириб, иш берувчи зиммасига уни тўлиқ иш ставкаси асосида ишга қўйиш, меҳнат дафтарчасига киритилган нотўғри ҳужжатларни бекор қилиш мажбуриятини юкледи. Шунингдек, ўқитувчи фойдасига 815.403 сўм иш берувчи ҳисобидан ундирилган бўлди.

С.НУРУЛЛАЕВ,
Жиззах вилояти КУТБК юридик бўлими етакчи юристконсулти

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси ташкилий ишлар бўлими мутахассиси Феруза Ҳайтовага отаси

Мирза ҲАЙТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси Қашқадарё вилоят ташкилотлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Боймурод Мейлиевга отаси

Эшмурод МЕЙЛИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ



Намунали таълим-тарбия маскани

Фаргона вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли «Соғлом бола» ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаси энг намунали тарбия масканларидан.

Қўгон шаҳридаги маъмурий муассаса ақлида, таянч ҳаракати ва нутқда нуқсонли бор болаларни соғломлаштиришга ихтисослаштирилган. Бу ерда тарбияланаётган болалар билан спорт, мусиқа йўналишларида ҳам машғулотлар олиб борилади.

СУРАТДА: таълим муассасасида.

ЎЗА фотомухбири
Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат

Маънавият сабоқлари

Меҳр кунда керак

Фарзанд дунёга келган кунданок ота-онада орзу-хавас уйғонади. Ана шу хавасни рўйга чиқариш мақсадида улар тинмай елиб-югуришга тушишади. Ҳатто баъзида фарзанднинг ўй-хаёли билан қизиқишга ҳам вақт тополмайди. Бола тарбияси эса эътиборсиз қолади...

Сир эмас, аксарият катталар доим ёш авлоднинг муомаласи-ю, одоб-ахлоқидан нолишни одатга айлантдиришган. Аммо бунда ўзларининг қанчалик айби борлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди.

дан кириб қолди? Болаларнинг катталардек, бир-бирини қарғаб, жаргон сўзларни ишлатишига ким айбдор?! Негадир, биз катталар бола тарбиясидаги ҳар бир ноодатий вазият учун замонни айбдор қилишга ўрганиб қолганмиз. Аммо ҳеч қачон бунда ўзимизнинг ҳам ҳиссамиз борлигини тан олмаймиз. Бола эси кирганча, бу каби сўзларнинг мазмунини идрок этмай сўзлади дейлик, аммо кейинчалик ёшлиғида ишлатган беандиша сўзларни лугатидан чиқариб ташлай олармикан?

Қўшни хонадонга янги тушган келин овсининг тўрт ёшли ўғли кўпол сўзлар билан сўқиниши туфайли оила даврасида ўзини жуда ноқулай сезишни айтганда ҳеч ажабланмадим. Энг ёмони, ҳали гулдек тоза қалбли болага бу сўзларни оиладаги катталар эрмак учун ўргатишаркан. Улар боланинг бийронига тилидан хунук сўзлар чиқаётганидан завқланишаркан.

Биз, катталар боламизга бу сўзни ишлат, бунисени ишлатма, дея чегара қўймаймиз. Улар шунчалек «доно»ки, эшиттаётган сўзларни ичидан «антиқа»сини тез илгаб олишни қўйилатишади. Оиладаги катталар нутқда ишлатилаётган беандиша, қарғиш, ёмонликка ундайдиган сўзларни ўрганаётган бола қалбдаги меҳр ўрнини эртага қарғ эгаллашмаслигига қафолат бера оламизми?

ГАР СЛОМИНГ БЎЛМАСА...

Эртақларда кўп учратганимиз; дев ва сеҳрғарларнинг олдига келган баҳодирлар «Ассалому алайкум», дея салом беришади. Бунни эшитган ҳар қандай ёвуз махлуқ: «Гар саломинг бўлмаса, икки ямлаб, бир ютардим», дейди. Халқ оғзаки ижоди болаларни салом бериш, одоба ўргатади.

Эндигина гапира бошлаган болага катталарни кўрганда, «Ассалому алайкум», дейишни ўқтирамиз. Бу сўзни тўлиқ, ифодали айтиш маданият бел-



гисидир. Замоннинг шиддати кейинги пайтда бу сўзга ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади. «Ассалому алайкум»нинг қисқарган шакллари «Ассалом», «Соомалеюкум», сўзлари болалар лугатидан жой ола бошлади. Баъзилар эса шу қисқарган сўзларни ҳам насияга йўйиб, бетингизга қараб ўтишади.

Болаларга салом беришни ўргатаётганда, унинг қонун-қондаларига риоя қилиш кераклигини, кичиклар катталарга, албатта, биринчи бўлиб салом бериши лозимлигини айтишимиз лозим. Бу ҳақда Юсуф Хос Ҳожининг «Кутаду билиг» асариди шундай мисол келтирилади:

«Дошишманд Узғирмиш подшоҳ Кунтуди хузурга келганда салом бермайди, бунга подшоҳ ажабланиб, сабабини сўраганида:

— Салом атайлаб, салом бермадим. Тўғри, салом бериш кишига соғлиқ-саломатлик тилашдир. Салом — соғлиқка асос. У кишига эминлик, омонлик дид.

Саломлаштириш қондасида улуғлар кичика салом беришса, етук иш бўлади. Кичиклар камтарлик йўлини тутиб, улуғлар сўзини олса, ўзини улуғлик сари еталайди».

Кичикларга ўрнак бўлиш, тилимиздаги нутқ ифодаларини чиройли, мазмуни ифода этиши учун фарзандларимизга биз катталар кўмакчи бўламиз. Зеро, тил — миллиатнинг фахр-ифтихори, кўнгил кўзгуси.

Навбахор РАҲМОНОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси

Соғломлаштириш

Ёз соз ўтмоқда

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам шаҳардан ташқаридаги оромгоҳлар ўз ишининг биринчи навбатини яқунлади. 9 та стационар оромгоҳда 1540 нафар, 89 та кундузги оромгоҳда 11800 нафар ўғил-қиз мириқиб хордик чиқарди. Йил давомида уларга завқу шавқли таассуротлар, янги дўстлар билан тузилган хайрли ташаббуслар ҳамроҳ бўлажак.

Вилоятдаги мавжуд оромгоҳларда 172 нафар педагог-тарбиячи ва 16 нафар тиббиёт ходими ўғил-қизларимизнинг мақсадли дам олишига бош-қош бўлмоқда. Шунингдек, уларга 16 нафар ички ишлар, 9 нафар факулда вазиятлар бошқармаси ҳамда 9 нафар давлат санитария эпидемиология назорати маркази ходимлари бириктирилди.

Барча оромгоҳларда 30 га яқин турли йўналишдаги тўғараклар ташкил этилган. Мустақиллик йилларидаги ривожланиш тамойиллари, ислохотларнинг мазмун-моҳияти, миллий қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама

очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказилди. Вилоят факулдада вазиятлар бошқармаси томонидан белгиланган режа-жадвал асосида «Ёш кутқарувчи» мусобақалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан турли мавзудаги тренинг ва учра-

шувлар ташкил этилди. Вилоятда ижод қилиб келаётган шоир-ёзувчилар, фан, маданият ва санъат намояндлари, ёш авлод вакиллари билан шаҳардан ташқаридаги 9 та оромгоҳда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан «Ўзал ва бетакороримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» мавзуда учрашувлар ўтказилди.

Мавсумнинг 2-навбатида дам олдириш учун 20 июн куни шаҳардан ташқарида жойлашган оромгоҳларга 1390 нафар бола йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари кузатувида етказилди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Эъзоз

Хивага саёҳат

Хоразм вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан бир гуруҳ меҳнат фахрийларининг Хива шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

Турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган нуронийлар дастлаб Урганч шаҳрида истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Ўзлари меҳнат қилган даврлар билан бугунги имкониятларни қиёслаб, кексаларни эъзозлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлардан фахр туйишди.

Ичканқалдадаги ҳар бир меъморий обиди ва улардаги ўстунлар, минора ва нақшлар ўтмишдан нишонандир, — дейди Шоназар ота Атоев. — Бу ерда чет эллик сайёҳларнинг қўлини кўриб, кўксимиз гурурга тўлди. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилдим. Бугунги кунда соҳада кечаётган ўзгаришларни кўриб хурсанд бўлам. Мамлакатимиз далаларида етиштирилган меваю сабзавотлар мазаси, дармондорига бойлиги билан дунёни лол қолдиromoқда. Хар йили Хивада ўтказилаётган «Ковун сайл»лари тинчлигимиз, тўқин ва фаровон ҳаётимизнинг бир тимсолидир.

Муҳаббат ТЎРАБОВА,
«Ishonch» мухбири

Реклама

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

АТ «Халқ банки» «Имкон» лаҳзали, пул ютуқли лотереяси билетларини тайёрлатиш ҳамда етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади. (Ҳар битта тайёрланадиган 1, 2, 3, 4, 5-разрядли билетлар бўйича алоҳида шартнома тузилади).

Танловда тақлиф этилаётган хизматларни кўрсатувчи чет эл ва маҳаллий фирмалар, ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

1. Танлов комиссияси ишчи органи манзили ва телефони: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 3-уй. Телефон: (998 71) 120-17-81, 120-17-49. www.xb.uz. e-mail: marketing@xb.uz.

2. Танлов мақсади: «Имкон лаҳзали, пул ютуқли лотереяси билетларини тайёрлатиш ҳамда етказиб бериш».
3. Танлов ўтказиладиган шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба, жума кунлари соат 9:00дан 18:00га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали еки www.xb.uz сайтдан оlish мумкин.

4. Тижорат тақлифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим) 2016 йилнинг 12 июл куни Тошкент вақти билан соат 18:00га қадар қабул қилинади.

АКЦИОНЕРНЫЙ КОММЕРЧЕСКИЙ НАРОДНЫЙ БАНК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРС НА ИЗГОТОВЛЕНИЕ (С ДОСТАВКОЙ) БИЛЕТОВ МГНОВЕННОЙ ДЕНЕЖНОЙ ВЫИГРЫШНОЙ ЛОТЕРЕИ «ИМКО» (1, 2, 3, 4, 5-РАЗРЯДЫ, ИЗГОТОВЛЕНИЕ КАЖДОГО РАЗРЯДА БИЛЕТОВ ИГРЫ ОСУЩЕСТВЛЯЕТСЯ ПО ОТДЕЛЬНЫМ ДОГОВОРАМ)

Подробную информацию об условиях конкурса можно получить по адресу: 100000, г. Ташкент, пр. Амира Темура, 3. Акционерный коммерческий Народный банк Республики Узбекистан.

Телефоны: (+99871) 120-17-24, 233-78-97. E-mail: b.kuchkorov@xb.uz, a.muhammedov@xb.uz. Все предложения по конкурсу должны быть представлены в запечатанном виде в Народный банк по вышеуказанному адресу не позднее 18:00 «12» июля 2016 года. После указанного срока предложения и дополнения не принимаются.

Хизматлар лицензияланган.

Ташкилотлар ва корхоналар диққатиға!

АТ «Халқ банки» Қашқадарё вилоят филиали қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказишлини эълон қилади

1. АТ «Халқ банки» Чироқчи филиали мазмурий биносини капитал таъмирлаш». Объектнинг бошланғич нархи қўйилган қиймат солиғи билан бирга — 780.962.200 сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 650.801.833 сўм, қурилиш муддати — 6 ой.
2. АТ «Халқ банки» Каёби филиали мазмурий биносини капитал таъмирлаш». Объектнинг бошланғич нархи қўйилган қиймат солиғи билан бирга — 691.145.400 сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 575.954.500 сўм, қурилиш муддати — 6 ой.

3. АТ «Халқ банки» Қашқадарё вилоят филиали Амалиёт бўлими мазмурий биносини капитал таъмирлаш» Объектнинг бошланғич нархи қўйилган қиймат солиғи билан бирга — 655.132.000 сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 545.943.333 сўм, қурилиш муддати — 6 ой. Танлов савдолариға фақат «Қурилиш» пудрат ташкилотлари реестриға киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишлариға рўхсат бериллади.

Буюртмачи: АТ «Халқ банки» Қашқадарё вилоят филиали. Манзил: Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси. Телефон: (0-375) 906-81-81. Қашқадарё вилоят филиали маблаглари ҳисобидан амалга оширилади. Танлов савдолариға қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларға: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблагларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслариға ва мутахассисларнинг маъмулидиға, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлариға, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлариға эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.


Танлов савдолариға мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунға мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатлариға эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиса — «Даврхитектуркурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларини шакллантириш Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг марказиға қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Қарши ш., Ўзбекистон кўчаси, 60-«А» уй. Тел.:/Факс: (0-375) 223-19-11, 223-27-33.

Бир «ўғлам танлов ҳужжатларининг нархи — 90000 сўм. Тақлифлар (сферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этилиши охириги муддати сферталар очилиши кунин ва соати. Тақлифлар (сферталар) очилиши, уларни маъбутоуда топ этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, буюртмачи манзилда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:



2007-йил 11-январда О'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'la'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshhev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimi:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasida, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftoning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rinishli short. Mualliflar fikri ta'hiriyot nuqtayi nazardan farqlanishi mumkin.

HUUDULARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A.Qodirova

Navbatchi:

N.Mohamov
Musahhlil:
S.Shodiyeva

Sahifalovchi:

H.Abdullajilov

Boshiga topshirish vaqti — 23:30

Topshirildi — 23:00

1 2 3 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonamanzilli:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 basma tabaq.
Buyurtma G — 615.
20637 nusxada bosiladi.
Nashr ko'rsatkichi: 133